

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 27 куни жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи Н.Саломов, М.Мадумаровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси – Қўқон шаҳар прокурори катта ёрдамчиси О.Саидова, судланувчи Я.Шарофутдинов ва унинг ҳимоячиси унинг ҳимоячиси Р.Юлдашев, фуқаровий даъвогар Б.Саидовнинг иштирокида, Шарофутдинов Яхёхон Султановичга нисбатан 1-1503-2402/325-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Шарофутдинов Яхёхон Султанович 16.11.1984 йилда Қўқон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали икки нафар фарзанди бор, ёлланма ишчи, муқаддам судланмаган, “New Life Fashion” мчж раҳбари, Қўқон шаҳар Генерал Рахимов кўчаси 38-уйда яшайди, иш бўйича муносиб ҳуқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 06.05.2024 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б, д” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва фуқаровий даъвогар, гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг охириги сўзини тинглаб, жиноят иши материалларини ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи Я.Шарофутдинов “New Life Fashion” МЧЖ раҳбари бўла туриб корхонага тегишли қурилиш объектида электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмасдан, умумий фойдаланишдаги электр энергиясига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб олиб, таъминот корхонаси “ПК” ҳисоб-дастурида мавжуд бўлмаган DDS-28U русумли ҳисоблагич орқали электр энергиясидан 29.08.2022 йилдан 22.01.2024 йилга яширин равишда фойдаланиши натижасида “Фарғона ХЭТК” АЖ манфаатларига анча миқдорда 38.631.600 сўм зарар етказган.

Судланувчи Я.Шарофутдинов суд мажлисида айбига иқроп бўлмасдан, “New Life Fashion” МЧЖда 2019 йилдан буён жамият раҳбари сифатида ишлаб келаётганини, Қўқон шаҳар Нонвойлик гузари мфй, Янги Чорсу кўчаси, 227 “а” уй жойлашган ер майдони амакиси Б.Қасимовга тегишли бўлганини, ушбу ҳудуддаги эски биноларни бузиб шаҳар ҳокимлиги билан тузилган келишувга асосан хусусий шерикчилик асосида кўп қаватли бино-иншоатларни қуришни бошлаганини, 2020 йилнинг куз фаслида амакаси томонидан фойдаланиб келинган эски биноларда бўлган электр симларига янги ҳисоблагич ўрнатиб қуйганини, электр энергиядан фойдаланган вақтда электр энергиясини ушбу



ҳисоблагичдан ўтказган ҳолда фойдаланиб келганини, орадан анча вақт ўтиб ҳисоблагич яроқсиз ҳолатга келиб қолгандан кейин уни олиб ташлаганлигини, ўрнатган электр ҳисоблагич ҳақида шаҳар ЭТКга хабар бермаганлигини, қурилиш ишларида фойдаланган электр учун шаҳар ЭТКга тўловларни амалга оширмаганлигини, 22.01.2024 йилда ўтказилган назорат тадбирда ҳақиқатдан ҳам электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келинаётганлиги ҳолати аниқланганлигини, биноларни қурилиши учун электр энергиясини нотаниш монтерга улатиб олганлигини, электр энергиясини улаб бериш бўйича ваколатли идораларга мурожаат этмаганлигини, ушбу ноқонуний равишда уланган электр энергия тармоғи бўйича шаҳар ЭТК ходимларини хабари бўлмаганлигини, содир этган қилмишга нисбатан қисман иқрорлигини, ноқонуний фойдаланган электр энергиясини кўп ҳисоблаб юборишганлигини, аслида айбловда қўйилган суммадаги электрдан фойдаланмаганлигини, етказилган зарарни қоплаганлигини инobatга олишни, бошқа бу ишни такрорламаслигини, оилавий шароитини инobatга олиб, қонун доирасида енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Фуқаровий даъвогар Б.Саидов судда сўралганида, 2021 йил август ойидан бошлаб Қўқон электр тармоқлари корхонасининг юрист-консулти вазифасида ишлаб келаётганлигини, 22.01.2024 йилда шаҳар ЭТК ходимлари томонидан ўтказилган назорат рейд тадбирлари давомида Я.Шарафиудинов қарашли бўлган “New Life Fashion” МЧЖ томонидан ноқонуний равишда электр тармоқларидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланганлигини, Я.Шарафутдиновнинг ноқонуний қилмиши оқибатида давлатга етказилган зарар Вазирлар маҳкамасининг 2018 йил 12 январь кунги 22-сонли қарори асосида тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқилганлигини, Я.Шарафутдиновнинг ноқонуний қилмиши оқибатида ЭТК манфаатларига етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини унга нисбатан корхонани даъвоси йўқлигини, судланувчи томонидан зарарни қоплаш учун прокуратурани депозит ҳисоб рақамига тўланган 38.631.600 сўм пулларни “Фарғона ҲЭТК” АЖ Қўқон шаҳар бўлими ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Янин судда сўралганида, 2022 йил декабрь ойидан бошлаб Қўқон электр тармоқлари корхонасининг истеъмолчилар билан ишлаш бўлими бошлиғи вазифасида ишлаб келаётганлигини, 22.01.2024 йилда шаҳар ЭТК ходимлари томонидан ўтказилган назорат рейд тадбирлари давомида “New Life Fashion” МЧЖ томонидан ноқонуний равишда электр тармоқларидан фойдаланиб келинаётганлиги аниқланганлигини, ушбу ҳолат бўйича Я.Шарафутдиновнинг ноқонуний қилмиши оқибатида давлатга етказилган зарар тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқилганлигини, Я.Шарафутдиновнинг ноқонуний уланиб, электр энергиясидан фойдаланиб келганлиги натижасида шаҳар ЭТКга 38.631.600 сўм зарар етказилганлигини аниқланганлигини, Я.Шарафутдинов томонидан электр корхонасига ёки давлат хизматлар марказига электр энергиясини улаб бериш бўйича мурожаат этмаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ Х.Ходжаев судда сўралганида, Қўқон шаҳар ЭТК да юридик истеъмолчилар билан ишлаш бўлими муҳандиси лавозимида ишлаб келаётганлигини 2024 йил 22 январь куни Қўқон шаҳар Ш.Садъий кўчаси жойлашган қурилиш тугаланмаган бино ва иншоатларда назорат тадбирда



қатнашганини, унда “New Life Fashion” МЧЖ томонидан ноқонуний равишда электр энергиядан фойдаланиб келаётганлиги ҳолати аниқланганлигини, назорат тадбир давомида жамият раҳбари Я.Шарафутдинов томонидан электр энергиясидан фойдаланиш бўйича бирор-бир ҳужжатлар бор ёки йўқлиги сўралганида Я.Шарафутдинов ҳеч қандай ҳужжат тақдим этаолмаганлигини, назорат тадбиридан сўнг шаҳар ЭТКда “New Life Fashion” МЧЖ ёки Я.Шарафутдинов номига ҳисоб рақами очилган-очилмаганлигини текширганини, лекин шаҳар ЭТК базасида бу ҳолат чиқмаганлигини, назорат тадбири давомида тўпланган ҳужжатлар бўйича ўтказилган ўрганиш давомида Я.Шарафутдинов томонидан ноқонуний равишда электрдан фойдаланиб келганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдириб кўрсатма бериб ўтган.

Гувоҳ Ж.Мелиев судда сўралганида, Фарғона вилоят ЭТК энергетика сотиш бўлими муҳандиси вазифасида ишлаб келишлигини, 2024 йил 22 январь куни Қўқон шаҳар Ш.Садъий кўчаси жойлашган қурилиш тугаланмаган бино ва иншоотларда назорат тадбирда қатнашганини, унда “New Life Fashion” МЧЖ томонидан ноқонуний равишда электр энергиядан фойдаланиб келаётганлиги ҳолати аниқланганлигини, назорат тадбир давомида жамият раҳбари Я.Шарафутдинов томонидан электр энергиясидан фойдаланиш бўйича бирор-бир ҳужжатлар бор ёки йўқлиги сўралганида Я.Шарафутдинов ҳеч қандай ҳужжат тақдим этаолмаганлигини, қурилиш бўлган жой ўрганилганида, у ерда мавжуд бўлган вақнча яшаш уйида бир дона электр иситгич, бир дона тефаль, бир дона телевизор ва бошқа қурилишда дастгоҳлари мавжудлиги, улар ишчи ҳолатда эканлиги аниқланганлигини, назорат тадбири давомида тўпланган ҳужжатлар бўйича ўтказилган ўрганиш давомида Я.Шарафутдинов томонидан ноқонуний равишда электрдан фойдаланиб келганлиги аниқланиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини билдириб кўрсатма бериб ўтган.

Судланувчи Я.Шарафутдиновнинг содир этган жинояти, унинг судда ўз айбига қисман иқрор бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, гувоҳларнинг суддаги ва дастлабки терговдаги кўрсатувлари, шунингдек, жиноят иши ҳужжатларидаги текшириш далолатномаси, қайта текшириш далолатномаси, қайта ҳисоблаш далолатномаси, тушунтириш хатлари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам тўлиқ тасдиқланади.

Суд, судланувчи Я.Шарафутдиновнинг содир этган жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б, д” бандлари билан қуйидаги асосларга кўра тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, Я.Шарафутдинов “New Life Fashion” МЧЖ раҳбари бўла туриб корхонага тегишли қурилиш объектида электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмасдан, умумий фойдаланишдаги электр энергиясига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб олиб, таъминот корхонаси “ПК” ҳисоб-дастурида мавжуд бўлмаган DDS-28U русумли ҳисоблагич орқали электр энергиясидан 29.08.2022 йилдан 22.01.2024 йилга яширин равишда фойдаланиши натижасида “Фарғона



ҲЭТК” АЖ манфаатларига анча миқдорда 38.631.600 сўм зарар етказиб жиноят содир этган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий суди Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилиб, Я.Шарофутдиновга нисбатан жазо тайинлашда содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, енгиллаштирувчи ҳолатлар тадбиркорлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, фуқаровий даъвогарнинг судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги, оилада ягона боқувчи эканлиги, деб ҳисоблаб, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 01-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазонинг енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмасига риоя қилиб, одиллик, инсонпарварлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига таянган ҳолда, етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жиноятни келтириб чиқарган салбий оқибатларини, жамиятга ва оиласига етказган маънавий зарарни тушуниб етганлигини, маҳалладан ижобий тавсифланганлигини, оилада ягона боқувчи эканлиги, ҳозирда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишлигини инобатга олиб, ўзи айбланаётган модда санкциясида кўрсатилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашликни;

Жиноят иши бўйича Я.Шарофутдинов томонидан зарарни қоплаш учун Фарғона вилоят прокуратураси Ипотека-банк АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига қўйилган 38.631.600 сўм пуллар Фарғона вилоят ҲЭТК АЖ Қўқон шаҳар бўлими ҳисоб рақамига ўтказишни;

шунингдек, судланувчи томонидан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, суд Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 476-моддаларига асосан,

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Шарофутдинов Яхёхон Султанович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б, д” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Шарофутдинов Яхёхон Султановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б, д” бандлари билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони ҳукми ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин. Жазони ўташ муддати корхона, муассаса ёки ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро этиш Қўқон шаҳар ИИБ Пробация бўлими зиммасига юклатилсин.



Я.Шарофутдиновга нисбатан қўлланилган муносиб ҳуққ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича Я.Шарофутдинов томонидан зарарни қоплаш учун Фарғона вилоят прокуратураси Ипотека-банк АТИБ Фарғона вилоят филиалидаги дипозит ҳисоб рақамига қўйилган 38.631.600 сўм пуллар Фарғона вилоят ҲЭТК АЖ Қўқон шаҳар бўлими ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Судланувчи Я.Шарофутдинов томонидан иш бўйича етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи, фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят бериш ва прокурор протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

Н.Саломов

